8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-Y. 5-DEKABR, №49 (1194)

СУД ҚАРОРЛАРИДАН НОРОЗИ БЎЛГАН ФУҚАРО БОШ ПРОКУРАТУРАГА МУРОЖААТ ҚИЛИШГА МАЖБУР БЎЛДИ. **5-БЕТ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИИББ ТИББИЁТ БЎЛИМИ ХОДИМИ БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗНИ ПУЛЛАМОҚЧИ БЎЛДИ. **8-БЕТ**

«ЎЗТРАНСГАЗ» АЖ АНДИЖОН ҲУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ МАНСАБДОРЛАРИ ГАЗ СОТИБ, ЖАМИЯТГА 100 МЛН. СЎМДАН ОРТИҚ ЗАРАР ЕТКАЗИШГАН. **10-БЕТ**


ХОТИНИНИНГ ОЁҚ ОЛИШИДАН ШУБҲАЛАНАВЕРГАН ЭР 10 ЙИЛГА ҚАМАЛДИ. **11-БЕТ**



БОЛАЛАР ҲАҚҚИГА ХИЁНАТ

4,1 ТОННА ГЎШТ ҲАМДА 7,9 МИНГ ЛИТР СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КИМ ЖИҒИЛДОНИГА УРДИ?

2-БЕТ



ТУРФИРМА ОЛҒИРЛАРИ

ТАДБИРКОР НИҚОБИДАГИ АЙРИМ КИМСАЛАР ХАЛҚАРО ТУРИЗМ БОЗОРИДАГИ ОБРЎМИЗГА ЛОЙ ЧАПЛАШМОҚДА.

9-БЕТ



ДНК ТЕКШИРУВИ

ЙИГИРМА ЙИЛ АВВАЛГИ СИРНИ ФОШ ҚИЛДИ

6-БЕТ

Обуна 2020

Ҳурматли юртдошлар!

2020 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ – 231

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

ШОРА



Давлат бюджетидан ҳар йили турли соҳаларни ривожлантириш, фуқароларга енгиллик яратиш учун жуда катта маблағ ажратилади. Шундан сўнг ҳамма гап унинг ижросида қолади. Аммо бу борада ҳамон порахўрлик, коррупция, таниш-билишчилик, кўзбўямачилик ҳолатлари кузатилаётганидан кўз юма олмаймиз.

Сурхондарё вилояти давлат молиявий назорат бошқармаси бош назоратчи-тафтишчиси лавозимида ишлаган А.Н. айни шу қилмиши учун ўз ишидан ажралиб, суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка ҳам тортилди.

А.Н. Узун туманидаги таълим муассасаларининг бирида бюджет маблағининг қонуний сарфланиши юзасидан текшириш ўтказади ва 265 миллион сўм пул қонунга хилоф равишда сарфлаб юборилганини аниқлайди. А.Н. бунинг учун жиноят иши қўзғатилишини иддао қилиб, таълим даргоҳи раҳбаридан камчиликларни хаспўшлаш эвазига 2000 доллар пора сўрайди. Муассаса раҳбари сўралган пулни келтириб беради, аммо бу жиноятга ўзи ҳам шерик бўлаётганини англайди ва бу ҳақда департаментнинг Сурхондарё вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилади.

Департамент ходимлари ўтказган тадбирда А.Н муассаса раҳбаридан олган порани қайтариб бераётганда қўлга олинди. Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди томонидан кўриб чиқилиб, А.Н.га икки йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, бюджетнинг иқтисодга йўналтирилган ҳар сўми фойда келтириши, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағ мактабларга, беморларга ва муҳтожларга етиб бориши керак. Агар халқнинг пули ҳалол сарфланса, ўғирланмаса, юртдаги фаровонлик юксалаверади.

Илҳом БЕКБУТАЕВ,
департаментнинг Сурхондарё вилояти бошқармаси бўлим катта суриштирувчиси



БОЛАЛАР ҲАҚҚИГА ХИЁНАТ

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Қибрай туманидаги 25-мактабгача таълим муассасасида текширув ўтказган.

Текширувда ушбу муассасада 180,4 млн. сўмлик озиқ-овқатлар ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилингани аниқланган. Хусусан, муассаса омборидаги маҳсулотлар саноқдан ўтказилганда, 33 турдаги 21,6 млн. сўмлик камомад борлиги аниқланган.

Бундан ташқари, 2018-2019 йилларда 134,7 млн. сўмлик 4,1 тонна гўшт ҳамда 24 млн. сўмлик 7,9 минг литр сут маҳсулотлари ташкилот тарбияланувчиларига берилмасдан ўзлаштириб юборилган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2019 йил 19 ноябрда Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Қибрай тумани бўлими томонидан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, терговга тегишлилиги бўйича туман прокуратурасига юборилган.

Ҳозир дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тергов натижаси ҳақида қўшимча хабар берилади.

Маълумот ўрнида: Тошкент вилояти МТБ бошлигининг 2019 йил 27 ноябрдаги буйруғига асосан Қибрай туманидаги 25-мактабгача таълим муассасаси мудири эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

TADBIR

ИЖРОДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида давлат раҳбарининг 2019 йил 12 мартдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмуни ва унда назарда тутилган янгиликлар юзасидан брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директорининг ўринбосари Ш.Ҳайдаров, бюро марказий аппарати масъул ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Маълумки, мазкур қарор билан 1 апрелдан бошлаб суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиация институти жорий этилган. Бу институт суд қарорлари бўйича томонларнинг медиатор орқали келишишига, масалани ихтиёрий ҳал қилишига имкон бермоқда.

Шунингдек, қарор билан 1 июндан бошлаб ижро иши ижро ҳужжати келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичида қўзғатилиши йўлга қўйилди (илгари ижро иши уч кун ичида қўзғатиларди).

Яна шуни таъкидлаш жоизки, энди ижро ҳаракатларини кўпи билан икки марта кечиктириш мумкин. Аввал неча марта кечиктириш мумкинлиги қонунчиликда кўрсатилмаган эди ва бу ижро ҳужжатларининг кўп бора тўхтатилиб, ундирувчи тарафнинг норозилигига сабаб бўларди.

Шунингдек, ижро ҳаракатларини бажаришда юзага келган масалаларни тушунтириш учун давлат ижрочиси томонидан тайинланган мутахассис ижрочининг қарори билан танишган кундан бошлаб 15 иш куни ичида ёзма хулоса тақдим этиши қатъий белгиланган.

Таҳлилларга кўра ҳозирга қадар ижро ҳужжатлари давлат ижрочилари ўртасида бўлим бошлиғи томонидан тақсимланар эди. Бироқ одатий тақсимлаш тизими давлат ижрочиларининг иши номутаносиб белгиланишига, айрим ҳолларда ишларни тақсимлашда гуруҳбозлик ва таниш-билишчиликка шароит яратар эди. Шунинг учун бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ижро ҳужжатларини давлат ижрочилари ўртасида автоматлаштирилган тизим орқали тақсимлаш тартиби жорий этилмоқда.

Брифинг давомида журналистларни қизиқтирган ва жамоатчилик эътиборида бўлган турли саволларга атрофлича тушунтиришлар берилди.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Huquq»



Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига

ОБОД ТУРМУШИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Ҳар қандай жамиятда одамлар ўртасидаги муносабатлар қонунлар билан тартибга солинади. Қонунга амал қилинган жамиятда тинчлик, тараққиёт бўлади ва аксинча, қонунга риоя этилмаган жамиятда ҳаловат йўқолади, тартибсизлик юзага келади.

Давлатнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам ҳуқуқ доирасида фаолият олиб боришини таъминлайдиган, мамлакатни башарият орзу қилган демократия ва инсонпарварлик принципларига асосланган ҳуқуқий давлат барпо этишга йўналтирадиган асосий қонун конституциядир. Конституция белгилаб берган принцип ва нормалар қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқлаштирилиб, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги муносабатларни тартибга солади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Конституцияси бугун барчамиз учун мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий ҳужжатга айланди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Конституция лойиҳасининг ишлаб чиқилиши, умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ва қабул қилиниши миллий давлатчилигимиз тарихида катта сиёсий воқеа сифатида баҳоланади.

Ўзбекистон Конституцияси мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти, ташқи сиёсати билан боғлиқ барча масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи принцип ва нормаларни белгилаб беради. Энг асосийси, бош қонунимизда давлат халқ иродасини ифодалар экан, унинг манфаатларига хизмат қилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Инсоннинг энг муҳим ва муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч яшаш ҳуқуқидир.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг ўзига яраша мезонлари бўлиб, улардан бири инсоннинг дахлсиз ва ажралмас ҳуқуқларининг таъминланишидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эътироф этилган бу ғоялар Конституциямизда ривожлантирилиб, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб эътироф этилган. Шу билан бирга, Асосий қонунимизда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги тўғрисидаги қоида ҳам ўз ифодасини топган.

Демак, ҳар бир фуқаро Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланар экан, бошқаларнинг манфаатлари билан ҳам ҳисоблашмоғи лозим. Ушбу принцип конституциянинг бошқа моддаларида ҳам белгиланган. Масалан, 48-моддага кўра фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Акс ҳолда ҳуқуқ ва бурчлар бир томонлама бўлиб қолади, яъни бировлар фақат ҳуқуққа, бошқалар эса фақат бурчга эга бўлади. Бу эса жамиятда адолат тамойилининг бузилишига олиб келади.

Ўзбекистонда шахс ва жамият манфаатининг устуворлиги ҳамда давлатнинг улар олдида жавобгарлиги Асосий қонунда мустаҳкамланган. Давлатнинг фуқаролар олдида масъуллиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади.

Инсоннинг энг муҳим ва муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи мазкур ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлашдан иборат. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шарти. Демократиянинг инсонпарварлиги ана шу билан белгиланади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тантанали равишда эълон қилиш, Конституция ва қонунларда белгилаб қўйиш, сўзсиз бажарилишини кафолатлашнинг ўзи камлик қилади. Энг асосийси, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширилишини таъминлашдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этиши ва ахборотлардан тўсиқларсиз, тўлатўкис фойдаланиш инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишида таъсирчан омил бўлиб хизмат қилиши алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг асосий омили ҳам халқимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги десак, янглишмаймиз. Шу сабабли инсонпарварлик, бағрикенглик, биродарлик тамойилларининг фақат қонунларда эмас, ҳаётда ҳам ўз ифодасини топиши бизнинг ютуғимиздир.

Эркин ва обод турмушимизнинг ҳуқуқий пойдевори — Конституциямиз шу нуқтаи назардан барчамиз учун азиз ва муқаддас. Ўз тақдирини ватан тақдири билан чамбарчас боғлаган ҳар бир киши муқаддимасидан бошлаб сўнгги моддасига қадар истиқлол ва истиқбол руҳи, инсонпарварлик ва адолат ғояларига йўғрилган Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини чуқур англамоғи зарур.

Исмоилжон АБДУХАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари

Президент Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни 2020 йилда устувор йўналишлар бўйича ислоҳотларни жадаллаштириш, бу борадаги мақсадли параметрларни белгилаш ва таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Конституция қабул қилиниши билан мамлакатимиз инсон ҳуқуқларининг муқаддаслиги ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини бутун дунёга расман эълон қилди. Халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, ўз миллий бойликларига ўзи эгалик қилиши Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилди.



8 декабрь куни келажагимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлган Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигини нишонлаймиз.

ҲАР БИР МОДДАСИ – ҲАЁТИМИЗ ҚОИДАСИ

Президентимиз қайд этганидек, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни рози қилиш фаолиятимиз мезонига айланмоқда. Шу сабабли Асосий қонунимизни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз амал қилиш – барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

Конституцияда давлатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизими, бошқарувнинг адолатли ва демократик тамойиллари, жамият ривожланишининг стратегик йўналишлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари ҳамда маънавий қадриятларимиз мустаҳкамлаб қўйилдики, бу умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам тўла мос келади.

Айтиш жоизки, қонунларимиз муайян бир соҳани қамраб олса, Конституциямиз ижтимоий муносабатларнинг асосларини комплекс равишда тартибга солиши билан ажралиб туради. Ўз мақомига кўра у олий даражадаги қонун бўлиб, ҳар бир давлатнинг ўзига хос қиёфасини, тарихий-ҳуқуқий анъаналарини, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумини, тараққиёт йўлини, бугуни ва келажагини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда бурчларини ўзида ифода этади. Бошқача айтганда, ҳар қандай давлатнинг келажаги, халқининг тақдири кўп жиҳатдан ўша давлатнинг конституцияси қандай бўлишига боғлиқ.

Шўролар тузуми даврида фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига эътибор давлат манфаатларидан кейинги ўринга қўйилган бўлса, Ўзбекистон Конституциясининг 2-моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" дея белгилаб қўйилди. Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши кафолатланди. Унга мувофиқ яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Таъкидлаш жоизки, 2005 йил 1 августда Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги, ўша йилнинг 8 августида "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлари эълон қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳаётга изчил татбиқ этишнинг мантиқий ифодасидир.

Беқиёс инсонпарварлик ифодаси бўлган ушбу фармонларга мувофиқ Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинди. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозимлиги белгиланди. Давлатимизнинг жиноятга оид ушбу сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Конституциямизда эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этади.

Ҳар қандай давлатнинг келажаги, халқининг тақдири кўп жиҳатдан ўша давлатнинг конституцияси қандай бўлишига боғлиқ.

Мамлакатимиз Асосий қонунининг яна бир муҳим жиҳати – унинг ижтимоий мақсадни кўзлаган бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилганидир. Мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулк тенг ҳуқуққа эгалиги ва баб-баробар ҳуқуқий ҳимоя этилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди десак янглишмаган бўламиз.

Ислоҳотларнинг бирор соҳаси ёки йўналиши учун дастлабки ҳуқуқий асосни изламоқчи бўлган инсон, аввало Конституцияга мурожаат қилади ва унда мужассам бўлган қоида ва ғоялар негизида иш юритишга жазм этади.

Маълумки, Конституция бутун дунёда давлат келажаги, халқ тақдири белгилаб қўйилган устувор ҳужжат сифатида тан олинади. Халқимизнинг хоҳиши, эркинлиги ва умуминсоний қадриятлари акс эттирилган Асосий қонунимиз ана шундай устувор аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, обрў ва иззатини сақлаш, инсоннинг шаъни ва обрўсига қилинадиган тажовузларга, шахсий ҳаётига ҳар қандай шаклда аралашувларга йўл қўймаслик ва туражой дахлсизлиги каби ҳуқуқларнинг мавжудлиги билан Конституциямизнинг мазмуни янада бойитилган.

Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари шахснинг хоҳишига қарши унинг тураржойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас. Мамлакатимиз фуқароларининг республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистонга келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эгалиги ҳам Конституциямизда эътироф этилган. Фақат қонун билан белгиланган ҳолатларда бу ҳуқуқларнинг чекланишига йўл қўйилади.

Шунингдек, Конституцияда ҳар бир шахснинг ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин ва мустақил тарзда ифода этиши учун имконият яратилиб, сўз ва эътиқод эркинлиги кафолатланган.

Ўзбекистоннинг конституциявий тузумини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг муҳим вазифасидир. Бундай шарафли вазифалар бизнинг зиммамизга юксак масъулият юклайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, Асосий қонунимизнинг ҳар бир моддаси биз учун дастуриламалга, ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур. Бунинг учун уни мактабларда, олий ўқув юртларида, маҳалла ва меҳнат жамоаларида тизимли равишда ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз керак.

Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт. Мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз қонунларни бузишдан кўра, уларга амал қилишдан манфаатдор бўлиши лозим.

Эркабай ТАДЖИЕВ,
Қашқадарё вилояти прокурори

Жорий йил 2 декабрь куни «Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Бирор идора эшигига умид билан муаммосига ечим излаб келган фуқаро давлат ва жамиятга бўлган ишончни мурожаатига бўлган муносабатда кўради. Шундай экан, ҳар бир давлат хизматчиси ҳар бир мурожаатга унинг ортида инсон тақдири турганлигини унутмаслиги лозим.

Прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлашда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ва Бош прокурор буйруғи талабларидан келиб чиққан ҳолда улар тўлиқ, ўз вақтида ва холисона кўриб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда халқни рози қилишга устувор вазифа сифатида қаралаяпти.

2019 йилнинг ўтган даврида Яшнобод туман прокуратурасига жисмоний ва юридик шахслардан 3 732 та ариза ва шикоят келиб тушган. Бу 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 747 та кўп деганидир. Мурожаатларнинг 2318 таси туман прокуратураси томонидан ҳал қилинди. Қаноатлантирилган мурожаатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107 тага ортди.

Аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, муаммоларни аниқлаш ва жойида бартараф этиш мақсадида туман прокурори ва унинг ўринбосарлари томонидан мунтазам равишда сайёр ва оммавий қабуллар ўтказилмоқда. Асосийси, қабулларда фуқароларнинг бир неча йилдан буён ечимини топмаётган муаммолари ҳал этилаяпти. Мисол учун, жорий йилнинг сентябрь ойида "Мироншоҳ гранд транс" МЧЖ раҳбари С.Тошхўжаев Бош прокуратуранинг "Ишонч телефони" орқали мурожаат этиб, 2 та автобус сотиб олиш учун "Азия-моторс" МЧЖга 33 900 АҚШ доллари тўлаганини, лекин автобуслар белгиланган муддатда етказиб берилмаганини маълум қилган. Мурожаатида у пулини қайтариб олишда ёрдам беришни сўраган.

Ўрганиш давомида унинг важлари тўғри эканлиги тасдиқланди. Туман прокуратурасининг аралашувидан сўнг мурожаат қаноатлантирилиб, "Азия-моторс" МЧЖ ҳамда "Yutong Honkong Limited" корхонаси раҳбарлари томонидан 33 900 АҚШ долларининг тўлиқ қайтарилиши таъминланди.

Бундан ташқари, Навоий шаҳридаги Б.Садовая кўчасида яшовчи А.Салимовнинг Бош прокуратурага "pm.gov.uz" орқали қилган мурожаати ҳам ҳал этилди. Унда отасининг 4-шаҳар клиник шифохонасида вафот этгани юзасидан ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома берилишида (отасининг мурдасини экспертиза қилмасдан туриб) ёрдам кўрсатиш сўралган.

Таъкидлаш керакки, муаллифнинг ушбу масалада мутасадди идораларга йўллаган кўплаб мурожаатлари ечимини топмаган. Ариза ўлим ҳақидаги текшириш материали билан ўрганиб чиқилганда, фуқаро ҳақ бўлиб чиқди.

Ўрганиш давомида ўлимнинг сабабини аниқлаш мақсадида тиббий экспертиза тайинланди. Экспертиза хулосасига кўра ҳаёти давомида орттирилган касалликлар унинг ўлимига тўғридан-тўғри боғлиқлиги аниқланди.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан ўлим ҳақидаги гувоҳнома расмийлаштириб берилиши таъминланди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ноябрь ойида тадбиркор К.Олимжонова фаолиятини кенгайтириш учун банкдан 185 млн. сўм кредит олишда ёрдам сўраб мурожаат қилди. Унинг мурожаати тезкорлик билан ҳал қилинди. Шунингдек, тадбиркор Н.Солиҳўжаевнинг мурожаати асосида унга ҳам 60 млн. сўм кредит олишда ёрдам кўрсатилди.

Олимжон АЗИМОВ,
Яшнобод тумани прокурори

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

2019 йилнинг 3 декабрь куни Давлат назорати қўмитаси раисининг ўринбосари – Молиявий тергов департаменти директори И.Маршалов бошчилигидаги Беларусь делегацияси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига ташриф буюрди.

Беларусь молиявий тергов департаменти делегацияси Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи Дилшод Раҳимов билан учрашув давомида департаментнинг иқтисодий соҳада давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, коррупция, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ишлари ҳамда фаолиятининг бошқа устувор йўналишлари билан танишди.

Учрашувда томонлар идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва бартараф этиш, бундай жиноятларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорлик қилиш, мавзуга доир тадқиқотлар ўтказиш, тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш масалалари муҳокама этилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Беларусь Республикаси Давлат назорати қўмитаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат иқтисодий ва молиявий жиноятларга қарши кураш юзасидан самарали ҳамкорлик қилиш имконини беради.

Саидаброр ГУЛЯМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг бўлим бошлиғи

ЮРИБ ЎРГАНИЛГАН МУАММОЛАР

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 8 январдаги "Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Денов туманида ҳам ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар бўлими ва солиқ инспекциясининг раҳбарлари бошчилигида тузилган секторлар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Туман прокурори раҳбарлигидаги иккинчи секторга қарашли МФЙлардаги хонадонларга бориб, шароити ўрганилмоқда, аниқланган муаммоларни ҳал этиш, маҳаллаларни ободонлаштириш чоралари кўрилаяпти. Жумладан, бу йил еттита маҳаллага 7 километр сув қувури ётқизилди, бешта маҳалланинг 2,35 километрлик ички йўллари таъмирланди. Шунингдек, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида тижорат банклари 2019 йилнинг шу даврига қадар қандолатчилик, паррандачилик, тикувчилик, чорвачилик, асаларичилик йўналишида ҳамда иссиқхона қуриш учун 567 нафар фуқарога 7 млрд. 193 млн. миқдорида имтиёзли кредит ажратди. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 282 та оилага турли йўналишларда 1 млрд. 39 млн. сўмлик кредит берилди.

Ишсизликни камайтириш мақсадида сектор ҳудудидаги корхона, ташкилот ва хусусий тадбиркорлар томонидан 9 ойда 263 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 187 таси, яъни 71,1 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади. Туманда 6 марта ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Ярмаркаларга 265 нафар ишсиз фуқаро жалб этилиб, 197 нафарига ўзига мос ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Хонадонларни ўрганишда биринчи навбатда кам таъминланган, ногирон, профилактик ҳисобда турадиган фуқаролар яшайдиган хонадонларга борилиб, 23 нафар ногирон аравача билан, 17 нафари эшитиш мосламаси ва керакли дори-дармонлар билан бепул таъминланди.

31 йил давомида яроқсиз ҳолатда бўлган қудуқлар ишга туширилди.

Бундан ташқари, ўттизга яқин маҳаллага жами 1063 та газ баллони ажратилди.

Аҳолини тоза сув билан таъминлаш мақсадида Қайтмас маҳалласига қувур тортилди. 15 куб метрлик сув минораси ўрнатилди. Намуна маҳалласи ҳудудида артезиан қудуқ қазилди. Шаҳринав ҳамда Каттақарши маҳалласи ҳудудидаги ичимлик суви иншоотига насос ўрнатилди. Гулистон маҳалласидаги сув иншоотига 500 метрлик қувур тортилиб, қудуқ ичидаги пўлат қувур алмаштирилди. Ўртақишлоқ маҳалласида 31 йил давомида яроқсиз ҳолатда бўлган учта қудуқ қайтадан ишга туширилди. Шу тариқа Ширинҳаёт ва Тафаккур кўчаларида яшовчи 1428 киши тоза сув билан таъминланди.

Кам таъминланган оилаларга 1 млрд. сўмдан ортиқ кредит берилди.

Аҳолини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Водий ва Боғишамол маҳаллаларидаги подстанция, электр узатиш тармоқлари ва уларга уланган трансформаторлар таъмирланди.

Келгусидаги вазифамиз босқичма-босқич бандлик, уй-жой, моддий ёрдам, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш билан боғлиқ масалаларнинг ечимини топиш бўлиб, шундагина халқимизнинг турмушини яхшилай оламиз.

Алишер ТОҒАЙМУРОДОВ,
Денов тумани прокурори

Жорий йил 30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

ҲУРРИЯТ ҚЎШИҒИ

СЕРҚУЁШ, ҲУР ЎЛКАМ,
ЭЛГА БАХТ НАЖОТ...

Ана шу сатр билан бошланадиган қўшиқни эшитганда дилда ғурур уйғонади. Қалбимизда ватанпарварлик ҳислари жўш уриб, кўз олдимизда жонажон диёримизнинг улуғвор манзаралари намоён бўлади. Зеро, бу тарона она алласидек азиз ва бетакрордир.

Ҳар бир давлатни дунёга танитадиган ўзига хос белгилари мавжуд. Улар қонун тилида давлат рамзлари, яъни тимсоллар деб аталади. Ана шундай тимсоллардан бири гимн, яъни мадҳиядир.

Мустақиллик миллатимиз руҳиятига ҳурлик, тилига эрк – қўшиқ берди. Ўз давлат рамзларимизга, хусусан, миллий мадҳиямизга эга бўлдик. 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонунда мадҳиямиз давлат суверенитетининг рамзи эканлиги, унга эҳтиром билан қараш ҳар бир фуқаронинг ва мамлакатимизда яшаб турган бошқа шахсларнинг бурчи эканлиги алоҳида таъкидланган.

Элимизнинг севикли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб ҳуррият қўшиғи(мадҳия)нинг мусиқасини Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов басталаган (ҳар иккала ижодкорни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин). Унда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, келажакка мустаҳкам ишончи теран ифодаланган, мардона ва буюк ўтмишимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, тинчлик, миллатлараро тотувлик каби умуминсоний туйғулар тараннум этилган.

Мана, йигирма етти йилдирки, мадҳиямиз жаранглаганда ҳаммамиз уни жўр бўлиб куйлаймиз. Боғчага борган болакайларимиз уйга келиб ўзининг чучук тилида мадҳиямизни айтиб берса, беихтиёр фахрланиб кетамиз. Шундай юртга эга бўлганимиз, уни баралла мадҳ этаётганимизга шукроналар айтамиз.

Мадҳиямиз байрамлар, спорт мусобақалари, расмий қабуллар ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳолларда ижро этилиб, давлат суверенитетига ҳурматни ифода этади.

Дарҳақиқат, мадҳия нафақат шон-шараф, балки давлат мустақиллиги рамзи, аждодларимизга садоқат, келажакка ишонч тимсоли ҳамдир. У ёш авлодни миллий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда алоҳида ўрин тутади.

Мадҳиямиз вужудимизга она сути, алласи ва улуғ аждодларимиз ўгити билан кирган теран миллий қудрат, мустаҳкам иродани эслатиб туради. Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрашга, бугунги эркин ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун ҳар куни шижоат билан ишлашга ундайди.

Дилшод ШАРИПОВ,
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи

Мадҳия матни

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

ҚАБУЛГА КЕЛГАН ФУҚАРО

МУАММОСИ ЕЧИМ ТОПГАНИДАН МАМНУН


Халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш прокуратура органларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

2019 йилнинг 1 ноябрь куни фуқаро Павел Трошков Мирзо Улуғбек тумани маъмурий судининг 2018 йил 6 ноябрдаги ҳамда Тошкент шаҳар маъмурий суди кассация инстанциясининг 27 ноябрдаги қарорларига нисбатан Олий судга назорат тартибида протест келтиришни сўраб мурожаат қилган. Унинг Бош прокурор қабулида тақдим этган мурожаати кўриб чиқилди.

Аниқланишича, П.Трошков 2018 йилнинг 29 октябрь соат 10:00 ларда "Sang yong Musso" русумли автомашинасини Буюк ипак йўли кўчасида бошқариб келаётганда ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилади. Спиртли ичимлик ичганликда гумон қилиниб, тиббий кўрикдан ўтиш таклиф этилганида П.Трошков кўрикдан ўтишдан бош тортган.

Натижада П.Трошков Мирзо Улуғбек тумани маъмурий судининг 2018 йил 6 ноябрдаги қарори билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 136-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилади. Унга 1 йилу 6 ой муддатга транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари, яъни 2 млн. 764 минг 500 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган.

Қарордан норози бўлган фуқаро юқори судга мурожаат қилади. Аммо Тошкент шаҳар маъмурий суди кассация инстанцияси Мирзо Улуғбек тумани маъмурий судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиради.



Кейин Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьясининг 2019 йил 1 февралдаги ажрими билан П.Трошковнинг назорат шикоятини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган.

Шунингдек, Олий суд раиси ўринбосари 2019 йилнинг 17 июнь куни П.Трошковга суд қарорлари асослилиги юзасидан жавоб хати берган.

Судма-суд қатнайвериб, бирор натижага эриша олмаган фуқаро Бош прокуратурага мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Бош прокуратура томонидан П.Трошковнинг аризаси илгари кўриб чиқилиб, 2019 йил 30 августда суд қарорларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш учун асослар йўқлиги ҳақида маълум қилинган.

П.Трошков Бош прокурор қабулида бўлганидан кейин иш ҳужжатлари бўйича унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 343-моддаси (махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартиришнинг асослари ва тартиби) талаблари батафсил тушунтирилди.

Шундан сўнг П.Трошков суд белгилаган жарима жазосини тўлиқ тўлади, маҳалла берган илтимосномага асосан Мирзо Улуғбек тумани маъмурий судининг 2019 йил 21 ноябрдаги қарори билан унга нисбатан тайинланган транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш муддати қисқартирилиб, ушбу муддат ўталган деб ҳисобланди.

Фуқаро П.Трошков кўрсатилган ёрдам учун прокуратура органларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Хайрулла БЎРИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари

TADBIR

ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИ ОАВДА

30 ноябрь куни Қашқадарё вилояти прокуратураси томонидан уюштирилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси ходимлари, республика газеталарининг вилоятдаги мухбирлари, вилоятда фаолият кўрсатаётган журналист ва блогерлар иштирок этди.

Анжуманда вилоят прокуратураси органлари томонидан 2019 йилнинг 10 ойи давомида қилинган ишлар ҳақида вилоят прокурорининг ўринбосари А.Мирзаев ахборот берди. Таъкидланишича, ўтган даврда прокуратура органларига 23 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Улардан 20 мингтаси бевосита вилоят прокуратураси органларида кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Прокурорлар жами 19871 нафар, шундан сайёр қабулларда 3703 нафар фуқарони қабул қилган. Қабулларда 10 минг кишининг муаммоси ўз ечимини топган.

10 ойда вилоятда умумий жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,3 фоиз камайган. Прокуратура 487 та жиноят иши бўйича тергов ўтказиб, 248 тасини жазо муқаррарлигини таъминлаш учун судларга юборган. Шунингдек, қонунчиликни тарғиб қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида 4745 та тадбир ўтказилган. Жумладан, ОАВда прокуратура органлари фаолиятига доир 1 100 дан ошиқ чиқиш қилинган.

Қабулларда 10 минг кишининг муаммоси ўз ечимини топган.

Анжуманда вилоят прокуратураси ОАВда кенг муҳокамага сабаб бўлаётган ҳолатларни ўрганиб, уларга ўз веб-сайтининг «Facebook», «Instagram», «Telegram» тармоқларидаги саҳифаларида муносабат билдириб келаётгани таъкидлаб ўтилди.

Анжуман сўнгида журналистлар ва блогерларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарилди ва прокуратура органларининг ОАВ билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга, бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олинди.

Жасур ШУКУРОВ,
Қашқадарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

2019 йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Аслида бундай ҳолатларга муносабат билдириш жуда оғир. Лекин бу каби муаммолар йил сайин кўпайиб, миллий қадриятларимизга солаётган кўланкаси тобора ошиб бораяпти.



ДНК ТЕКШИРУВИ

ЙИГИРМА ЙИЛ АВВАЛГИ СИРНИ ФОШ ҚИЛДИ

Яқин йилларгача фуқаролик судлари томонидан оталикни белгилаш учун гувоҳларнинг кўрсатмалари, турли ҳужжатлар, тавсифнома ва ҳоказоларни тақдим этиш талаб қилинса-да, буларнинг барчаси одил судловни тўлиқ таъминлай олмас эди. Кўп ҳолларда масала судлашаётган томонларнинг бир-бирига нисбатан бўҳтон тарқатишигача етиб борарди. Бунинг оқибатида ҳатто баъзан суд ажримларига биноан бепушт эркаклар ҳам боланинг биологик отаси деб тан олинар эди. ДНК экспертизаси шу турдаги хатоларни бутунлай бартараф этиш имконини берди.

БИРОВНИНГ БОЛАСИГА АЛИМЕНТ

Бундан икки йил аввал опам тўй қилиб, қизини турмушга узатди. Никоҳдан аввал келиннинг отаси қиз узатаётганини элга маълум қилиш учун ош берди. Ушбу маросим тугагач, мезбонлар дастурхонларни йиғиштиришга тушиб, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб турган пайтда опамнинг қайнукаси – Алишер олдимга келиб, сизда бир ишим бор эди, маслаҳатингиз керак, озгина вақтингизни ажрата оласизми деб қолди. Аслида бу одам билан шундай йиғинларда кўришиб турардик. Муносабатларимиз салом-аликдан нарига ўтмаган. Лекин унинг ҳунари ва тайинли иши борлигини, уйим-жойим дейдиган инсон эканини опамдан эшитгандим. Одамлардан истиҳола қилди шекилли, мени кўчага бошлади.

Нима гап дегандек унга қарадим.

– Эшитган бўлсангиз керак, биринчи турмушим бўлмаган. Шукурки, иккинчи оилам билан бахтли ҳаёт кечираяпман. Иккита фарзандим бор. Аммо бир муаммом бор, шуни қандай ҳал қилса бўлар экан? – шундай деб хижолат бўлганидан овози қалтираб кетди. Унга далда бериш учун «Қандай муаммо экан, айтаверинг» дедим.

У бир неча йил аввал онасининг қистови билан бир қизга уйланган. Айтишича, қизнинг онаси билан унинг онаси яқин дугона бўлгани учун икки ёш уларнинг хоҳиши билан турмуш қуришган. Лекин бу масаланинг иккинчи томони. Бундай дейишимизга сабаб, агар келин бокира бўлганида, икки ойлик ҳомиласи билан келмаганида, балки ёшлар тил топишиб кетармиди?..

Куёв чимилдиққа кирганида келин бор макрини ишга солади. Йиғлаб-сиқтаб, вужудида икки ойлик ҳомиласи борлигини айтиб, ота-онаси, яқинлари олдида юзини қора қилиб, бадном қилмаслигини йигитдан ўтиниб сўрайди. Оёғига йиқилиб, бошқа йўли қолмагани учун шундай қилишга мажбур бўлганини айтади. Ҳатто туғилажак фарзандининг отасига қўнғироқ қилиб, у билан гаплаштиради. У одам бола ўзидан эканини тан олади. Ҳозирги оиласи билан орани очиқ қилгач, тез кунларда уни олиб кетишини ва қиз билан турмуш қуришини айтади. Ҳатто тўй харажатини тўлиқ қоплаб беришга ваъда беради. Ўша куни Алишернинг инсонийлик фазилати устун келиб, уларнинг шартига кўнади. Ҳаммасини қиз айтганидек қилади.

Орадан қарийб бир ой вақт ўтгач, келин гўёки куёв билан чиқиша олмай уйига кетиб қолади. Вақти-соати келгач, фарзанд дунёга келади. Бу орада Алишер бошқа оила қуришни мақсад қилиб, у билан қонуний ажрашиш учун судга ариза беради. Ўртада фарзанд бўлгани сабабли суд муросага келишлари учун бир неча ой муҳлат беради. Соддалик қурсин-а, шунда ҳам у бола меники эмас деб судга даъво аризаси киритмайди. Охир-оқибат суд ажрим ҳақида қарор чиқариб, Алишердан ҳар ойда маошининг тўртдан бир қисмини алимент сифатида собиқ турмуш ўртоғига ундирилишини белгилайди. Суд қарорини қўлига олган Алишер ўша вақтда иккинчи тўйига оз фурсат қолгани боис бунга қўл силтайди. Бошқа оила қуради, икки фарзандли бўлади. Фарзандлари улғайган сайин маошининг чорак қисми ушлаб қолинаётгани унга оғирлик қилади. Ўша пайтда боласини тан олган "эркак" билан учрашиб, бу муаммони ҳал этиш кераклигини айтади. Аммо у ваъдасига вафо қилиш ўрнига "Болангиз бўлгандан кейин тўлайсиз-да" деб тўнини тескари кийиб олади. Алишернинг қўллари мушт бўлиб тугилса-да, шайтонга ҳай беради. Орқаворотдан суриштирса, ўша қоп-қоп ваъдаларни берган одам фарзанди дунёга келгандан кейин яна бир фурсат ўша аёл билан юриб, ташлаб кетган экан. Қиз эса бошқа бир одам билан турмуш қуриб, ундан ҳам фарзандли бўлибди. У сўнгги нажот илинжида бир пайтлар яхшилик қилиб, номини оқлаб юборган келиннинг ёнига боради. Минг афсуслар бўлсинким, у ҳам "Бола сизники, алимент тўлашга мажбурсиз" деб туриб олади. Чорасиз қолган Алишер шундан буён алимент тўлаб келаётган экан.

Тўғриси, бундай виждонсизликка дучор бўлган бу одамнинг сабрига қойил қолдим. Муаммони ҳал этишнинг қонуний йўли борлигини тушунтирдим. «Судга фарзанд сизники эмаслиги ҳақида даъво аризаси киритасиз. Суд эса оталикни аниқлаш учун ДНК экспертизаси ўтказиш учун қарор чиқаради. Шундан кейин ҳаммасига ойдинлик киритилади», – дедим. Хуллас, экспертиза хулосасига кўра ҳақиқатан ҳам фарзанд уники эмаслиги маълум бўлди. Суд қарори билан алимент бекор қилинди.

Бундай ҳолатга тушган айрим эркакларнинг экспертиза жавоби чиққунига қадар сочлари ҳам оқариб кетади.

* * *

– Афсуски, кейинги вақтларда бу каби воқеалар бирмунча кўпайди, – дейди **Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертизаси марказининг Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси лабораторияси мудири Дилобар Аҳмедова.** – Айрим аёллар енгил ҳаёт ортидан пул топиб юрган кезлари ҳомиладор бўлиб қолишади. Фарзандини дунёга келтиргач эса уни боқишга қийналади ва биологик отасидан алимент ундириш учун ДНК экспертизасига мурожаат қилишади. Бир пайтлар аёлига, оиласига хиёнат қилиб, кўнгилхушлик қилган эркакларимизнинг эса мана шу жараёнда тинчлиги бузилади. Уларнинг қандай руҳий тушкунликка тушишини тасаввур қилиб кўринг-чи. Боланинг биологик отасини аниқлашда ўша енгилтак аёл билан муносабатда бўлган бир нечта эркакдан экспертиза намуналари олинади. Мана шундай ҳолатга тушган эркакларнинг экспертиза жавоби чиққунга қадар руҳан эзилиб, сочлари оқариб кетганига ҳам гувоҳ бўлганман. Бунинг сабаби бор, албатта. Экспертизага келаётган эркакларнинг аксарияти оилали, ҳатто бўйи етган фарзандлари, айримларининг қуда-андаси, невaралари ҳам борлиги маълум бўлган.

Яна шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзи жиноятларни очиш мобайнида ДНК экспертизаси жабрланувчиларнинг ўзларига аён бўлган сирларини фош қилиб қўяди. Шунинг учун хиёнат эртами-кечми ошкор бўлади деб бежиз айтишмайди. Мисол учун, бу воқеа Тошкент вилоятида содир бўлган. Ўша вақтда 16-17 ёшларда бўлган ўсмир мактабни тугатади. Ёшлар йиғилиб, битирув кечаси қилишади. Кечадан чиқиб кетган ўқувчи бедарак йўқолади. Унинг ота-онаси ички ишлар идорасига хабар беради. Аммо у топилмайди. Бахтга қарши орадан анча вақт ўтгач, ўша ўқувчининг белгилари бўлган, лекин таниб бўлмас даражага келиб қолган жасад топилади. Мурданинг шахсини аниқлаш учун ДНК экспертизаси ўтказилади. Экспертиза ўтказиш учун йўқолган боланинг ота-онасидан намуна олинади. Буни қарангки, экспертиза натижасига кўра она ўша жасаднинг биологик онаси эканлиги тасдиқланади, аммо боланинг отаси бошқа эканини кўрсатади. Жабрланувчилар экспертиза хулосасига эътироз билдиришди. Шундан сўнг ҳаммаси такроран амалга оширилди. Яна ҳам ишончли бўлиши учун бу сафар ўша ўсмирнинг бобоси, амакиси ва бошқа яқин кишиларидан ҳам намуна олиниб, экспертизага жалб этилди. Кейинги хулоса натижаси янада аянчли ҳолатни очиб берди. Афсуслanарлиси, жасаднинг биологик отаси унинг амакиси, яъни онасининг қайнукаси бўлиб чиқди. Бир жиноятнинг очилиши аёлнинг эрига қилган хиёнатини ҳам фош этиб қўйди. У оиланинг кейинги тақдири бизга номаълум. Нима деб ўйлайсиз,

Глобал терроризм индекси рейтингида Ўзбекистон энг хавфсиз мамлакатлар қаторидаги мавқеини янада мустаҳкамлади.

ПОРАХЎРЛИККА ҚАРШИ БИРГА КУРАШАМИЗ!



Коррупция, тамагирлик, порахўрликнинг оқибати, унга қарши кураш бўйича ташвиқот ўтказилаяпти, матбуотда мақолалар эълон қилинмоқда. Бу каби ҳаракатлар иллатнинг илдизига болта уриш, жамиятни бу жиноятдан буткул тозалаш имконини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича энг фаол фуқаролар йиғини республика кўрик-танловининг вилоят ҳамда туман (шаҳар) босқичларини ўтказиш юзасидан 2019 йил 28 сентябрда Бухоро вилояти идоралараро комиссиясининг ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгашининг қўшма қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга асосан танловнинг туман босқичи ўтказилди. Унда 382 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 400 дан ортиқ жамоа қатнашди.

Туман-шаҳарлар босқичида ғолибликни қўлга киритган 13 та фуқаролар йиғини жамоаси қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирланди.

Танловнинг вилоят босқичи 14 ноябрь куни Бухоро шаҳрида ўтказилди. Учта шарт асосида ташкил этилган танловда 1-ўринни Когон шаҳридаги "Адолат" маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Ф.Солиева, 2-ўринни Бухоро шаҳридаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Ш.Умурзоқова, 3-ўринни Бухоро туманидаги "Қўшходим" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ж.Ҳамроев эгаллади. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар, қолган иштирокчилар эса фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фазлиддин СОЙИБОВ,
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси

ЖИНОЯТ ҚАНДАЙ ХАСПЎШЛАНАДИ?

Сўнгги уч йилда мамлакатда жиноятчиликнинг йилдан йилга озайиши, уни фош этишнинг кўпайиши, жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш жараёнида қонунбузилиш ҳолатларининг камайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Шу билан бирга, тергов амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жиноятни яшириш усуллари ҳам кўпайиб, жиноятчиларни фош қилишни қийинлаштираяпти. Шундай усуллардан бири инсценировкадир.

Жиноий инсценировка деганда кўпчиликнинг ёдига Леонид Гайдайнинг «Ы операцияси» номли кинокомедияси тушади. Ундаги дўконда камомадга йўл қўйган мудирнинг уч қаҳрамон – Балакисаланг, Қўрқоқ ва Туллак қўли билан ўз омборини ағдар-тўнтар қилиб, милицияда дўконни ўғри уриб кетгандай тасаввур ҳосил қилишга уриниши жиноятни хаспўшлашнинг ёрқин намунасидир.

Инсценировка аксарият ҳолларда оғир ва ўта оғир жиноятларни яширишда кузатилади ва шубҳасиз, жиноий фаолиятнинг умумий хавфини оширади. Ушбу муаммони ҳал этиш учун Ўзбекистон Жиноят кодексида ўндан ортиқ жиноят таркибига жиноий инсценировка учун жавобгарлик белгиланган.

Жиноят инсценировкаси тезкор-тергов, тергов, суд амалиёти ва суд тиббиёти фанининг чуқур тарихий илдизларга эга бўлган анъанавий объектидир. Маҳаллий суд тиббиётида ушбу объектнинг назарий ва амалий жиҳатлари деярли ярим аср давомида тадқиқ этилди. Қўлга киритилган натижалар асосида криминалистика тизими жиноий инсценировка доктринасининг янги элементи пайдо бўлгани ҳақидаги фикр билан бойитилди.

Шу ўринда жиноят инсценировкаси тушунчасини аниқлаш муаммоларига тўхталиб ўтамиз.

Баъзи китобларда таъкидланганидек жиноий инсценировкада:

1) ҳодисанинг алоҳида элементлари чиқариб ташланади, яширилади;

2) ҳодиса хаёлий тафсилотлар ёки элементлар билан тўлдирилади, улар орқали воқеа бошқача талқин қилинади.

Ушбу таркибий қисмлардан турли хил комбинацияларда ёки ўзгартирилган шаклларда фойдаланиш мумкин. Инсценировка деганда ҳар доим маълум бир ният билан қилинадиган ва аниқ мақсадга эришишга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси тушунилади. Дейлик, шахс жиноятни хаспўшлаш орқали ўз шеригини жавобгарликдан қутқариб қолишга, тергов қилинаётган шахснинг ёки унинг қариндошларининг ҳаётидаги ҳақиқий ҳолатларни яширишга, бировга туҳмат қилиб ундан қасос олишга, терговни чалғитиб ўзига енгилроқ жазо тайинланишига эришишга уриниши мумкин.

Яна бир бор таъкидлаймизки, бундай инсценировкани ўтказишдан асосий мақсад ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини ва бошқа шахсларни йўлдан оздиришга уриниш, содир бўлган воқеанинг ҳақиқий манзараси тўғрисида нотўғри маълумот беришдан иборат. Шу тарзда ҳуқуқбузар воқеа тўғрисида нотўғри тасаввур беришга, терговни керакли томонга йўналтиришга ва ўз режасига мос келадиган версияларни илгари суришга ҳаракат қилади.

Жиноятни инсценировка қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у аввало терговчини сохта маълумотларни қабул қилишга ундаш учун ишлаб чиқилади; иккинчидан, уларни ишончли деб нотўғри баҳолашга, учинчидан, улар тўғрисида инсценировкачига маъқул келадиган нотўғри қарорни қабул қилишга олиб келади. Бироқ инсценировканинг ушбу таърифи камчиликлардан ҳам холи эмас. Улардан бири жиноий инсценировкани қабул қилувчилар доирасининг ноаниқлиги билан боғлиқ.

Таъкидланганидек, инсценировка қилиш билан жиноятчилар турли мақсадларни кўзлайди: ўз қилмишини фош этмаслик ва жавобгарликдан қочиш, ҳуқуқбузардан қасос олиш, рақибни синдириш орқали йўқ қилиш, асоссиз фойда, ҳуқуқ ва афзалликларга эришиш.

Умумий олганда, бу инсценировкачи томонидан олдиндан ишлаб чиқилган афсона асосида саҳналаштирилган спектакл бўлиб, беларуслик криминалист олим Георгий Зорин таъкидлаганидек, «инсценировкачининг ўзи ушбу ҳолатда ҳам сценарий муаллифи, ҳам режиссёр, ҳам ижрочидир».

Суд ушбу турдаги жиноятнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларга боғлиқлигига: жиноятни содир этиш усулига; воқеа шароити тўғрисидаги ҳужжатларга; жиноят содир этган шахсларга нисбатан терговчи қандай қарор қабул қилганига, жиноятчи ва бошқа манфаатдор тарафлар жиноятни фош этишда фаол қатнашганига алоҳида эътибор бериши шарт.

Абдумурод ҲАҚБЕРДИЕВ,
Омон САТТОРОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчилари

Бундай ҳолатнинг содир бўлиши ўша гуноҳкор бандалар учун Яратганнинг жазоси эмасми?..

Бу ҳолатни эшитган кўпчилик ёқасини ушлайди! Мактаб ёшидаги қиз ҳомиладор бўлиб қолади. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув олиб борилаётганда, қиз ҳомиласи ўз отасидан эканлиги ҳақида кўрсатма беради. Бундай иснодга чидай олмаган ота эса ўз жонига қасд қилади. У ўлими олдидан укасига хат қолдирган экан. Унда ёзилишича, фарзандининг гаплари ёлғон, фақатгина қизига яхши бўлсин деб унга кўп танбеҳ бериб келганини тан олади ва укасидан ўлимидан кейин номини оқлашини илтимос қилади. Хуллас, ўша қиз фарзандини дунёга келтиргач, ука акасининг номини оқлаш учун ДНК экспертизаси ўтказди. Дарҳақиқат, отанинг гаплари рост бўлиб чиқди. Бироқ кеч бўлганди...

Кейинги пайтларда айрим бадавлат одамлар оламдан ўтгандан сўнг унинг янги меросхўрлари пайдо бўлаётган ҳолатлар ҳам тез-тез учраб турибди. Улар бу одам менинг отам эди, бойлигидан менга ҳам мерос тегиши керак деб иддао қилишади. Шу жараёнда ҳам даъвогарнинг марҳумга қариндошлик даражаси мазкур экспертиза орқали аниқланиб, бундай муаммоларга ечим топилади. Яна шундай ҳолатлар борки, айрим оилаларда ота фарзанди ўзига ёки яқинларига умуман ўхшамагани учун бола туғруқхонада алмашиб қолмаганмикан деб шубҳа қилади, яна кимлардир турмуш ўртоғини хиёнат қилганликда гумон қилиб, бола ўзидан эканини инкор этади.

Бу йил интернетда Жиззах вилоятида 9-синф ўқувчиси фарзанд дунёга келтиргани, Қашқадарёда 15 ёшли қиз она бўлганини бир йилдан ортиқ яширгани, Тошкентдаги мактабларнинг бирида 8-синф ўқувчиси, Фарғона вилоятида 14 ёшли қиз ҳомиладор бўлиб қолгани ҳақида хабарлар тарқалди. Мазкур ҳолатлар бўйича Жиноят кодексининг 128-моддаси (Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш) билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилаётгани айтилган. Бу каби ҳолатларга ҳам ДНК тадқиқоти орқали ойдинлик киритилиб, айбдорлар аниқланади.

Аслида бундай муаммолар миллий-лигимиз ҳамда қадриятларимиз заифлашиб бораётганининг бир кўриниши эмасми?..

Маълумотларга кўра Россияда бир йилда биологик оталикни аниқлаш бўйича ўртача 6000 дан 8000 гача ДНК тадқиқоти ўтказилар экан. Масалан, ўрганилган Европа мамлакатларида 7-8 фоиз эркаклар бошқа отадан туғилган болаларни тарбия қилиши қайд этилган. Афсуски, республикамизда ҳам ушбу экспертизага эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, 2010 йилда лабораторияда 388 та, 2015 йилда 1119 та, 2018 йилда эса 1834 та экспертиза бажарилган.

Бу каби ҳолатлардан хулоса қиладиган бўлсак, миллийлигимизни йўқотмайлик. Зино иймондан айиради. Ҳеч қачон иймондан айро тушмайлик. Ғарбга тақлид қилиб, миллий қадриятларимизга таҳдид солмайлик.

Қолаверса, халқимизда «Аёлнинг тарбиячиси эркак» деган пурмаъно нақл бор. Қаранг, миллат тарбиячиси бўлган аёлга эркак муносиб тарбиячи экан. Бундан кўриниб турибдики, аёлларнинг ҳаёси-ю ибоси, садоқати-ю нозик шаъни кўп жиҳатдан эркакларимизга ҳам боғлиқ.

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Huquq»

Жорий йилнинг 3-7 декабрь кунлари юртимизда Россия Федерациясининг маданият кунлари бўлиб ўтади.

FAOLIYATIDAN

ИМТИЁЗ СОТИЛАДИМИ?

Ҳозирги кунда фирибгарлик жиноятлари кўп учраяпти. Фирибгарлик кўчасига кирган зот аёл, азалдан улуғлаб келинган она бўлса-чи?

Нодира Жумабоева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир неча йилдан буён Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармасининг тиббиёт бўлимида ишлаб келарди. Биргина ножўя ҳаракати оқибатида ҳам ишидан, ҳам жамоасидаги обрўсидан айрилди. Чунки бир аёлнинг соддалиги ва ишонувчанлигидан фойдаланиб, бойлик орттиришни мақсад қилди. Бироқ...

2019 йилнинг май ойида таниши Фотима Алиева бир аёлни Нодиранинг ёнига бошлаб келди. Умриниса Тўраеванинг турмуш ўртоғи илгари ички ишлар идорасида ишлаган, бир неча йил аввал хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган эди. У.Тўраева фарзандининг олий ўқув юртига имтиёзли тарзда киришини истаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 февралдаги «Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тавсифнома олиш мақсадида Н.Жумабоеванинг ҳузурига келганди. Аслида тавсифнома беришга Н.Жумабоеванинг ваколати йўқ эди. Аммо у Ички ишлар вазирлигида юқори лавозимларда ишлайдиган танишлари орқали бу ишни ҳал қилиб беришини айтиб, У.Тўраеванинг ишончига кирди. Бу иш 2000 АҚШ долларига битишини айтди. Фарзандининг келажаги учун аёл рози бўлди.

Бир неча кундан кейин У.Тўраева Н.Жумабоевага у айтган ҳужжатлар билан 1000 доллар олиб келиб берди. Ўртада турган Ф.Алиева ҳам қуруқ қолмаслик учун "Менга ҳам икки юз доллар берасиз, сизни бу одам билан мен учраштирдим" деди. У.Тўраева йўқ дея олмай унга ҳам 200 доллар берди.

Бироқ орадан бир неча ой ўтса ҳам тавсифномадан дарак бўлмади. Бу орада олий ўқув юртларига ҳужжат қабул қилиш жараёни ҳам тугади. Шундан сўнгтина У.Тўраева фирибгарларга рўпара бўлганини англаб етди ва тегишли жойга ариза билан мурожаат қилди.

Фирибгарларнинг айланчи узоққа бормади. Улар жабрланувчига 400 долларни қайтариб бераётганида ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан қўлга олинди. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди ҳукми билан Н.Жумабоева ва Ф.Алиевага бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Хамид НИШОНОВ,
департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси бўлим катта суриштирувчиси

БЮДЖЕТГА ЧАНГ СОЛГАНЛАР

Департаментнинг Амударё туман бўлими томонидан олиб борилган терговга қадар текширув натижасида туман ҳудудида жойлашган мактабгача таълим муассасаси мансабдорлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ноқонуний сарфлагани аниқланди.

Жумладан, Т.Исмаилов 19-мактабгача таълим муассасаси мудири лавозимида ишлаган даврда туман молия бўлимидан рўйхатдан ўтказилган ва муассаса томонидан 2017 йил учун тасдиқланган штат жадвалида кастелянша (дазмолчи) лавозими кўзда тутилмаган бўлишига қарамасдан, етти ой давомида Г.Ўразметовага 1 млн. 27 минг сўм ойлик маош тўланган. Шунингдек, жисмоний тарбия йўрикчиси лавозими муассаса мудири Р.Исмаиловнинг ўзига асоссиз юклатилгани оқибатида 598,6 минг сўм иш ҳақи тўланиб, давлат маблағи талон-торож қилинган.

Шу билан бирга, муассаса мансабдорлари 2017 йилнинг январь ойидан 2018 йилнинг март ойига қадар қоровул ва ошпаз лавозимларида аслида ишламаган бир нечта ходимга ноқонуний равишда иш ҳақи тўлаб, давлатнинг жами 14 млн. 663 минг сўм пулини ўз чўнтакларига уришган.

Шунингдек, муассасада ўрганиш даврида ҳақиқатда 3 та гуруҳ эмас, балки 2 та гуруҳ фаолият кўрсатиб келганига қарамасдан, 2017 йил январь-июль ойларида 1 та гуруҳ учун ортиқча 3,47 штат бирлигига жами 9 млн. 377 минг сўм иш ҳақи тўланган ҳамда кунлик таомномаларга сохта маълумот киритиш орқали ортиқча 1 та гуруҳ учун озиқ-овқатга 10 млн. 670 минг сўм пул чиқим қилиниб, ўзлаштирилган.

Терговга қадар текшириш натижасида муассаса мансабдорлари давлатнинг жами 37 млн. 666 минг сўм маблағини талон-торож қилгани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди ҳукми билан Т.Исмаиловга қилмишига яраша жазо тайинланди. Давлатга етказилган зарар ундирилди.

Зафар САБУРОВ,
департаментнинг Амударё тумани бўлими бошлиғи

ХИЁБОНДАГИ ОЛДИ-БЕРДИ

2019 йилнинг март ойида Г.Н. Мажбурий ижро бюросининг Бувайда тумани бўлими ходимларининг ишига ёрдамлашиш жараёнида бу касбга меҳри тушиб, шу ерга ишга кирмоқчилигини айтади. У ердаги ходимлар унга бу тизимда ишлаши учун ҳеч бўлмаганда Фарғона юридик коллежида ижрочи юрист йўналишида ўқиган бўлиши зарурлигини айтишади.

Г.Н. 2019 йилнинг июнь ойи бошларида Қўқон шаҳрида яшовчи М. исмли таниши билан шу масалада гаплашганида, М. унга Қўқонда яшовчи таниши А.Н. Фарғонадаги юридик коллежда иккинчи мутахассислик бўйича ўқишини, агар хоҳласа, у билан таништиришини, ўқишга ҳужжат топширишда ёрдам бериши мумкинлигини айтади. У рози бўлгач, М. уларни таништириб қўяди. Шундан сўнг улар ўқиш масаласида телефон орқали тез-тез гаплашиб туришади.

Г.Н. 19 июнь куни Фарғона шаҳридаги юридик коллежга топширилиши лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаб, А.Н. билан бирга коллежга бориб, иккинчи мутахассислик бўйича ижрочи юрист йўналишига топширади. Ўз билимига унчалик ишонмаган Г.Н. А.Нга "Ҳужжат топширишга топширдиму, миямда ҳеч вақо йўқ. Тестда менга ёрдам бериб юбора олмайсизми?" дейди. А.Н. эса бунинг учун 2000 АҚШ доллари кераклигини айтади.

Г.Н. рози бўлиб бу ҳақда отасига айтганида, у А.Н. ўзининг паспорти нусхасини олиб келишини тайинлайди. Улар бу иш ноқонунийлиги учун департаментнинг Бувайда туман бўлимига мурожаат қилишади.

Вақти келиб А.Н. Г.Н.га қўнғироқ қилиб, театр ёнидаги хиёбонга келишини айтади. Хиёбонда Г.Н. унга олдиндан келишилган 2000 АҚШ долларини ва ўз паспортининг нусхасини беради. А.Н. пулни олиб, ўзининг паспорти нусхасини бераётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланади.

Судда А.Н. ўқишга олиб кириш учун мазкур коллежнинг бирорта ҳам ўқитувчи ёки раҳбари билан гаплашмаганини, уларнинг бу ишдан хабари бўлмаганини, қилган ишидан пушаймонлигини ва қаттиқ афсусдалигини, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлигини, отаси 2-гуруҳ ногирони эканини инобатга олиб, қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Қонун барчага баробар. Қолаверса, жамият ривожига жиддий тўсиқ бўлаётган бу каби иллатларнинг урчишига сабабчи бўлаётганларни асло кечириб бўлмайди. Суд томонидан А.Н. га нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Нодир АШУРБАЕВ,
департаментнинг Бувайда тумани бўлими бошлиғи

ҲУҚУҚБУЗАРГА ЧОРА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Гурлан туман бўлими ўтказган тезкор тадбирда яна бир ноқонуний валюта савдосига чек қўйилди.

2019 йилнинг 12 сентябрь куни Гурлан тумани деҳқон бозори ҳудудида фуқаро Давлат Мусаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳар бир АҚШ долларини 7850 сўмдан ҳисоблаб, мижоздан 100 АҚШ долларини 785 минг сўмга сотиб олаётган вақтда ашёвий далил билан ушланди. Тадбир давомида Давлат Мусаевнинг бозорда балиқ овлаш анжомларини сотиш ниқоби остида ноқонуний равишда валюта савдоси билан шуғулланиб келгани, бозор расталаридан бирида махсус сейф ясатиб, унда савдодан тушган пулларни сақлаб келаётгани ҳам аниқланди. Ушбу сейфдаги Д. Мусаевга тегишли 5 миллион 537 минг сўм, 300 АҚШ доллари, 49900 Россия рубли ва 29000 қозоқ тенгеси ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Мазкур ҳуқуқбузарлик Гурлан туман маъмурий судида кўриб чиқилди. Онлайн тарзда ўтказилган судда ҳуқуқбузар Давлат Мусаев, департаментнинг Гурлан туман бўлими ходимлари ҳамда судьялар иштирок этди. Очиқ ва ошкора ўтказилган судда Д.Мусаевга нисбатан қонуний чора кўрилди.

Шоҳрухмирзо ТАЖИЕВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бўлим инспектори

НАФСИГА ҲОКИМ БЎЛОЛМАГАНЛАР

Косон туманидаги "К.К.С." масъулияти чекланган жамиятида солиқ қонунчилигига риоя этилиши ўрганилганида МЧЖ мутасаддиларининг айрим қинғирликлари ошкор бўлиб қолди.

Аниқланишича, жамият раиси Н.С. ва бошқалар ҳисоботларда солиқ базасини камайтириб кўрсатиш эвазига жами 157,2 миллион сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товлаган. Шунингдек, жамият мансабдорлари 9,5 миллиард сўмлик юқори ликвидли маҳсулотларни сотиб олиб, кирим қилмасдан сотган.

Жамият раиси ва бошқа мутасаддилар бу қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришди.

Бахриддин НАРЗУЛЛАЕВ,
департаментнинг Косон тумани бўлими бошлиғи

«Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси» кўкрак нишонининг илк соҳиблари маълум бўлди.

ЗАМОНАВИЙ БАНК ТИЗИМИ

У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Жаҳон молия тизимида юз бераётган жиддий ўзгаришлар, шу билан бирга, мамлакатимизда миллий иқтисодиётни кенг кўламли ислоҳ қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар пул-кредит сиёсатини шакллантириш ҳамда банк тизимини ривожлантиришда янгича ёндашувларни тақозо қилди.



Деярли 24 йил амал қилган "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги қонун 2019 йилнинг 12 ноябрида янги таҳрирда қабул қилинганининг сабаби шу. Аслида бу борадаги ҳаракатлар ўтган йили, аниқроғи, давлат раҳбарининг 2018 йил 9 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишдан бошланган эди. Яъни МБнинг бошқарув ва риск-менежмент сифатига таъсир қилиш механизмларининг такомиллашмагани, банк фаолиятига маъмурий аралашув, банк назоратини амалга оширишдаги қийинчиликлар боис Марказий банкда ислоҳотлар бошланди.

Қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқишда Марказий банкнинг иқтисодиётда нархлар барқарорлиги, банк тизими ва тўлов тизимлари фаолияти барқарорлигини таъминлаш зарурияти ҳисобга олинган. Бундан ташқари, қонун Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, Швейцария, Польша, Грузия ва бошқа мамлакатлар марказий банкларининг илғор тажрибасини ўзида жамлаган.

Халқаро валюта жамғармасининг тавсиясига биноан Марказий банкнинг ваколатлари янгиланиб, уларнинг таркибига банклар, нобанк кредит ташкилотлари, ипотекани қайта молиялаш ташкилотлари ва банклар гуруҳларининг фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилишда асослантирилган мулоҳазадан фойдаланиш, шунингдек, валюта, қимматбаҳо металлар ва бозор инструментлари қаторини кенгайтирган ҳолда молия бозорларида спот ва форвард операцияларини амалга ошириш каби ваколатлар киритилди.

Марказий банкнинг самарали пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги функциялари кенгайтирилди ва янгиланди. Шунингдек, инфляция даражасини мониторинг, таҳлил ва прогноз қилиш, банк тизими ва пул-кредит кўрсаткичлари ҳамда ташқи сектор статистикаси, шу жумладан, тўлов баланси, республиканинг халқаро инвестицион позицияси, ташқи қарзи ва олтин-валюта захираси тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва эълон қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Мазкур қонунга мувофиқ Марказий банк бошқаруви келгуси йил учун пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишларини, шу жумладан, ликвидликни тақдим этиш ва жалб қилиш параметрлари, Марказий банкнинг пул-кредит операциялари бўйича фоиз ставкалари ҳамда асосий фоиз ставкасини белгилайди ва тасдиқлайди. Шунингдек, мажбурий захира талаблари, ажратиладиган кредитлар бўйича таъминот турлари рўйхати, тизимли муҳим банклар учун пруденциал меъёрлар ва бошқа ваколатларни ўрнатади.

Қонундаги асосий янгиликлардан бири – Марказий банкнинг жамоатчилик билан алоқаларидир. Нархлар ва молиявий барқарорликни таъминлашда пул-кредит сиёсатининг таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида қонун билан Марказий банк фаолияти шаффофлигини оширишга қаратилган фаол коммуникация сиёсатини юритиш асослари белгилаб берилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли ва иқтисодиёт субъектларининг Марказий банкка ишончини ошириб, иқтисодиётда инфляцияни самарали бошқаришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда эркин шаклланувчи алмашув курси режими шароитида ички валюта бозорига интервенциялар фақатгина валюта курсининг кескин тебранишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилиши кўзда тутилган.

Умуман олганда, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири замонавий стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодий ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

Ойбек МАМАРИЗАЕВ,
Марказий банкнинг Фарғона вилоят Бош бошқармаси бош юристконсульти

БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

уларнинг малакасини ошириш жадвали тасдиқланди

Мамлакатимизга ислоҳотлар суръатига мос илғор кадрлар керак. Бугун салоҳиятли бошқарув кадрларини тайёрлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу боис бугунги кун талабига мос, профессионал, ҳалол ва адолатли кадрлар тайёрлаш, бу борада илғор тажрибаларни жорий этиш чоралари кўрилаяпти. Хусусан, 2017 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, 27 июнда "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Ҳукуматнинг 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларининг малакасини ошириш жадвали ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ана шундай саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур ҳужжат билан Давлат бошқаруви академияси ва унинг филиалларида 2019/2020 ўқув йилида бошқарув кадрларининг малакасини ошириш жадвали тасдиқланди. Жадвалга мувофиқ 2019 йил декабрь ойида ҳамда 2020 йил январь ва июнь ойларида давлат гранти асосида 4146 та ва шартнома асосида 1590 та ходимнинг малакаси оширилади.

Академия ва унинг филиалларида бошқарув кадрларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар академияга ажратилган бюджет маблағи доирасида ва ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағ ҳисобидан қилинади.

Қарор билан малака ошириш курсларига юбориладиган кадрларнинг таркиби ҳам тасдиқланди.

2019 йилнинг 15 декабрига қадар вазирлик ва идоралар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда малака ошириш курсларининг камида 30 та ўқув дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланади.

Аҳмад ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари кирмаган соҳа қолмади. Шу билан бирга, жиноятчилар ҳам бундай технологиялардан усталик билан фойдаланмоқда. Бунда асосан банк-молия соҳасидаги йирик муассасалар, онлайн тўловни амалга оширувчи тизимлар, савдо мажмуалари, меҳмонхоналар хакерларнинг қурбонига айланмоқда.

ТУРФИРМА ОЛҒИРЛАРИ

Одатда янги ишга қўл ураётган одам яхши ният қилади. Бироқ айрим кимсалар ишининг бошидаёқ ғараз ниятларни кўзлайди. Хусусан, фукаролар Ф.Б., Х.Б. ва Ш.Ж. ўтган йили туризм билан шуғулланиш ниқоби остида Самарқанд туман давлат хизматлари марказидан масъулияти чекланган жамиятни рўйхатдан ўтказишади.

Аввалдан нияти тоза бўлмаган учовлон банкдан олинган валюта терминали орқали "қўлда киритиш" хизматига уланишади. Бундан кўзланган мақсад юртимизга келишни режа қилган чет эл фуқаролари учун меҳмонхоналардан жойларни олдиндан банд қилиш баҳонасида уларни чув тушириш бўлган. Шу мақсадда улар 33 та ҳолатда масофадан туриб чет эл фуқароларининг халқаро пластик карталаридан 464 миллион 734 минг сўм пулни интернетдаги www.booking.com сайти орқали ноқонуний равишда ўзлаштириб олишган.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга ҳаракат қилинаётган айни дамда бундай жиноятлар Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозоридаги обрўсига салбий таъсир этмасдан қолмайди.

Самар АЗИМОВ,
департаментнинг Пайариқ тумани бўлими инспектори

Туркманистондан Ўзбекистонга кунига ўртача 15 млн. кВт·с электр энергияси импорт қилинмоқда.

FAOLIYATIDAN





Тушунмовчиликларга барҳам берилади

2019 йил 29 ноябрь куни Жиззах шаҳрида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Жиззах вилояти бошқармаси ҳамда вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамкорлигида «Мажбурий ижро бюроси: ҳуқуқий маданият, тўлов интизоми йўлида» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда соҳа мутахассислари, журналистлар иштирок этди. Дастлаб мутахассислар Мажбурий ижро бюросининг фаолияти, соҳага оид норматив ҳужжатлар, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинаётгани ҳақида гапириб беришди.

Қайд этилишича, йилнинг ўтган даври мобайнида бюронинг Жиззах вилояти бошқармаси томонидан суд ва бошқа органлар тақдим этган 884 млрд. сўмлик 188 мингта ижро ҳужжатининг бажарилиши таъминланди.

Вилоят миқёсида электр энергияси бўйича 286 млрд. сўм, табиий газ бўйича 183,7 млрд. сўм, ичимлик суви бўйича 18,6 млрд. сўм, маиший чиқинди бўйича 5,9 млрд. сўм, жами 494,2 млрд. сўм қарзлар ундирилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 83,1 млрд. сўм кўп. Вилоятда энергия ресурслари ва сувдан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ 1092 та ҳолат аниқланган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг 7843 та мурожаати ҳал этилган бўлиб, шундан 3730 та мурожаат қаноатлантирилган, 2371 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланган.

Матбуот анжуманида бугунги кунда соҳада кўплаб янгиликлар бўлаётгани ва уларни аҳолига етказишда ОАВнинг ўрни катталиги таъкидланди. Бу каби матбуот анжуманлари эса истеъмолчи ва ундирувчилар ўртасидаги ҳар хил тушунмовчиликларга барҳам беради.

Суръат ЖАББОРОВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги фармонига биноан Бош прокуратурага энергия ресурсларини етказиб бериш, истеъмол қилиш ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш устидан назорат самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар юклатилган.

Бировнинг ҳисобидан сахийлик

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Қоракўл тумани бўлими томонидан туман электр таъминоти корхонасида истеъмолчиларнинг етказиб берилган электр энергиясининг ҳақини қандай тўлаётгани таҳлил қилинганда таъминотчи корхона катта ҳисобчиси С.Ҳ. "Электрҳисоб" дастурида ўзининг электрон калити билан 87 та улгуржи истеъмолчининг абонент рақамларига 261 та ҳолатда 897 461 кВт.с электр энергияси учун 205 млн. 597 минг 634 сўм пул тўлангани ҳақида сохта маълумот киритиб, маблағни талон-торож қилгани аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов натижасига кўра судга юборилди.

Пешқу туманида эса туман электр таъминоти корхонаси ҳисобчиси Р.Ҳ. ўзига бириктирилган логин ва электрон калит орқали компьютердан фойдаланиб, 53 нафар истеъмолчи тўлаган 13 млн. 771 минг 370 сўм коммунал тўловларни уларнинг розилигисиз бошқа 62 нафар фуқаронинг абонент ҳисоб рақамларига коммунал тўловлардан қарзини тўлаш учун ўтказиб бергани аниқланган. Бу ҳам етмагандай 18 нафар истеъмолчининг 2 млн. 344 минг 650 сўмлик коммунал тўловларини ўзининг абонент рақамига ва электр таъминоти ҳисобидаги 13 млн. 662 минг сўм коммунал тўловларни отаси раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзолари ва танишларининг абонент рақамларига асоссиз равишда ўтказиб берган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов натижасига кўра судга юборилди.

Илҳом НЕЪМАТОВ,
МИБ Қоракўл тумани бўлими бошлиғи

Қонун барчага баробар

Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бу йўналишда тўлов интизомини мустаҳкамлаш борасида суд ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ижросини таъминлаш осон кечмаяпти.

Электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви каби неъматлардан оқилона фойдаланиш, уларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Лекин энергия ресурсларини ўғирлаб сотиб келаётган мансабдорлар ҳам борлигига нима дейсиз?

Мажбурий ижро бюросининг Андижон вилояти бошқармаси ходимлари тезкор тадбир ўтказди. Андижон шаҳридаги "Ишчилар" МФЙнинг Шароф Рашидов 5-торкўчаси, Пахтаобод кўчасида, "Маориф" МФЙнинг Берк, Темирйўл кўчаларида, "Янги турмуш" МФЙнинг Янги турмуш, Андижон тумани "Зангибобо" МФЙнинг Чўққитепа кўчасида яшовчи 222 та хонадон табиий газ тармоғидан узилиб, Андижон шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 майдаги қарори, Андижон туман ҳокимининг 2013 йил 13 майдаги фармойишига кўра ушбу хонадонларга суюлтирилган газ етказиб берилиши йўлга қўйилган. Лекин "Ўзтрансгаз" АЖ Андижон ҳудудий газ таъминоти филиали Андижон шаҳар 1-участкаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ж.Т. ва бошқалар ўз манфаатини ўйлаб иш қилишди. Улар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-қарорига зид равишда, техник ҳужжатларсиз, шартнома расмийлаштирмасдан, қалбаки ҳужжатлар расмийлаштириб, 2018 йилнинг ноябрь ойидан 2019 йилнинг 31 январь кунига қадар 333 260 $м^3$ табиий газ сотиб, жамиятга 106 млн. 643 минг 74 сўм зарар етказишган.

Мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

Табиий газ шахсий мулк эмас, истаган вақтда уни сотиб, пулини ўз манфаати йўлида ишлатишга ҳеч кимга изн берилмаган. Қонун ҳамма учун баробардир.

Бобомурод УМАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма бош инспектори

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судининг "Зиёвуддин пахта тозалаш" АЖдан Пахтачи туман давлат солиқ инспекциясига 3 млрд. 569 млн. 694 минг сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати МИБнинг Пахтачи туман бўлимига келиб тушди.

Солиқдан қочиб бўлмайди

Ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг ҳисоб рақамига банд солиниб, мутасадди идораларга сўров хатлари юборилди. Шундан сўнг АЖга тегишли ҳисоб рақамларидаги пуллар хатланиб, вақтинча сақлаш учун "Агробанк"нинг туман филиалига топширилди. Кўрилган чоралар самара берди. Солиқ инспекциясининг қарзи жамиятдан тўлиқ ундириб берилди.

Орзубек ЭРАЛИЕВ,
МИБ Пахтачи тумани бўлими катта инспектори

Тўламади, қамалди

Мажбурий ижро бюроси Боёвут туман бўлимига фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг Г.Ғофуровдан Р.Ғофуровага даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушган.

Қарздор ота алимент тўлаш у ёқда турсин, ҳатто болаларидан хабар ҳам олмаган. Турли важлар билан алимент тўлашдан бўйин товлаб юраверган. Кун ўтаяпти, болалар катта бўлишаяпти. Шунга яраша уларнинг эҳтиёжи ҳам ўсиб бораверади. Огоҳлантиришларга қарамай алиментни тўламай келган отага нисбатан жиддий жазо қўллашга тўғри келди. Ижро ҳаракатларига оид барча ҳужжатлар маъмурий судга оширилди.

Тақдим этилган ҳужжатларга асосан жами 51 млн. 618 минг 121 сўм алимент пулини тўламай келгани сабабли қарздорга Ширин шаҳар маъмурий судининг қарорига кўра 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Хайрулла ВАЛИЕВ,
МИБ Боёвут тумани бўлими давлат ижрочиси

Хорижда ишлаётган юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик такомиллаштирилаяпти. Чет элда ишлаб қайтганларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



АСОССИЗ ГУМОН ЁМОН

Меҳнат миграциясининг жамиятга фойдаси билан бирга, афсуски, салбий таъсири ҳам бор. Кўп йиллар хорижда юрган эр ва хотин ўртасида меҳр-оқибат ришталари узилиши, ўзаро ишончга дарз кетиши шулар жумласидандир. Судда хорижда ишлаб қайтгач, бошқа биров билан дон олишиб юрганидан гумонсираб рафиқасининг жонига қасд қилган М.Ражаббоевнинг жинояти кўриб чиқилди.

Марғилонлик салкам қирқ ёшга кирган Мамасоли (исм-фамилиялар ўзгартирилган) иккинчи фарзанди туғилганидан кейин 2011 йили Россияга ишлагани кетади. Ота-онаси, турмуш ўртоғи билан телефонлашиб, ишлаб топган пулларидан жўнатиб туради. Бир неча йил хорижда яшайди. Рафиқаси Ҳаётхон телефонда галдаги сўзлашув чоғи рўзғор етишмовчиликларини, охирги пайтларда пул жўнатмай қўйганини, ишга кирмоқчилигини айтади. Мамасоли ишламасдан уйда ўтиришини талаб қилади, акс ҳолда кўч-кўронингни кўтариб кетаверасан дея огоҳлантиради. Ҳаётхон билганидан қолмайди, мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб ишлай бошлайди. Қўнғироқ қилиб, ота-онаси билан суҳбатда рафиқаси тунги сменада ҳам ишлаётганидан хабар топган йигитнинг кўнгли хира тортади. Хотинига телефонда биронтаси билан юрган бўлсанг соғ қўймайман дейди. Ҳаётхоннинг ўзингизга қараб тўн бичманг, бошқа аёл билан яшаётганингизни эшитдик қабилидаги гап-сўзлари дилини баттар хира қилади.

Орадан олти йил ўтиб, декабрь ойи бошида ниҳоят Мамасоли Ўзбекистонга қайтади. Уйга кайфи тароқ аҳволда кириб келади. Ҳаётхон мастлигини юзига солгани туфайли жаҳли чиқади, жанжаллашишади. Аёл акасини телефонда чақириб, туғилиб ўсган уйига кетиб қолади. Орадан икки ой ўтиб эр-хотин ярашади. Турмушлари қайта изга тушгандай бўлади. Бироқ Мамасолига тунги сменада ҳам ишлашни давом эттираётган рафиқаси унга хиёнат қилаётгандай туюлаверади. Зимдан унинг қадам олишини кузатади. Март ойи бошларида кечки пайт унга қўнғироқ қилади.

– Телефонда гаплашаётиб ёнида биров борлигини сездим, – дейди судланувчи. – Ҳаётхон ишхонамиздаман, ёнимдаги боғча қоровули деди. Гапига ишонмадим. Кечқурун соат саккизларда онам ва қайноғамни олиб боғчага бордим. Хотиним йўқ экан. Ўша куни иш куни эмас экан. Унга яна қўнғироқ қилганимда дугонамнинг уйидаман деди. Сўраб, билиб топиб бордим. Сармозордаги ҳовлида дастурхон тузаб дугонаси билан ўтирган экан. Ишдаман деб алдаганига жаҳлим чиқиб, юзига шапалоқ урдим...

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра ўша куни Ҳаётхон билан бирга ишлайдиган тарбиячи телефонда бугун ўрнингизда мен навбатчилик қиламан дейди. Ҳаётхон ишга кетаяпман дегани учун уйига қайтиб алдоқчига чиқиб қолишидан хайиқиб, дугонасининг уйига боради. Мамасоли ортидан келиб олиб кетади. Уйларига боргач, уради. Гумонини, яъни бошқа биров билан бўлганини тасдиқлайдиган биронта белги топа олмайди. Ҳаётхонни акаси ота ҳовлисига олиб кетади.

Бир ҳафта ўтгач, у изига қайтади. Бироқ синган қосани ямаган билан чандиғи қолгани каби турмушлари ҳаловатсиз кечади. Мамасоли босган ҳар қадамини тергайверади. Сумкачасидан топиб олган сим картанинг эгаси ким дея қийин-қистовга солади. Телефон рақамига қўнғироқларни текшириди. Ишга кетган кечалари бегона рақамлар билан гаплашганини билиб жанжал қилаверади. Қариндошлари яраштириб қўйганидан кейин ҳам можаро авж олаверади. Мамасоли рафиқасининг телефонида гаплашган рақамларга қўнғироқ қилади. Нотаниш эркакнинг иш юзасидан гаплашганига ишонмайди. Ҳар нарсадан гумонсираб, уриб ҳайдайверади. Бироқ рафиқаси болаларини тирик етим қилишни истамайди.

Ўша куни жанжаллар туфайли юрак олдириб қўйган Ҳаётхон қайнонасининг ёнида, хонани ичкаридан қулфлаб ётади. Ароқ ичиб кўчадан кайфи тароқ кириб келган Мамасолининг дилини шубҳа-гумонлар баттар кемириб, хотинини ўлдиришга қасд қилади. Ухламай тонг отишини, хонадан чиқишини пойлайди. Саҳар ташқарига чиққан Ҳаётхонга пичоқ ўқталиб куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилади. Ҳақоратига яраша жавоб қайтарганида пичоқ билан чап юзини тилиб юборади. Ерда додлаб ётган рафиқасининг қорнига пичоқ санчиб олади. Дод-войдан уйғониб ташқарига югуриб чиққан отаси қўлини қайириб пичоқни олиб қўйгач, кўчага чиқиб кетади.

Шифохонага зудлик билан етказиб борилиб, вақтида қилинган жарроҳлик муолажалари туфайли Ҳаётхоннинг ҳаёти асраб қолинади.

Суд ҳукми билан М.Ражабоев ўн йилга озодликдан маҳрум этилди.

Зафаржон НИЗОМИТДИНОВ,
Марғилон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

Бугун интернетга қарамлик авж олаётган даврда яшаяпмиз. Албатта, қайси соҳада бўлмасин, одамларнинг дастёрига айланган ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш юксалиш белгиси ҳисобланади. Бироқ ҳамма ҳам интернетдан тўғри мақсадда фойдаланмаяпти. У осон пул топиш дардидаги кимсалар учун жиноят қуролига айланиб қолмоқда.

Бахтиёр К. уддабурон, ишнинг кўзини биладиган йигит. Ўзининг бизнеси бор. Бироқ у борига қаноат қилмади. Ижтимоий тармоқ орқали танишган хорижлик қизнинг текин даромад борасидаги таклифини ҳеч иккиланмай қабул қилди. У нотаниш кимсалардан 32 талик шлюз аппаратларини сотиб олиб, ижарага олинган хонадонга ўрнатади ва нотаниш шахслардан сотиб олинган сим карталар орқали чет эл билан алоқаларни улаб беришни йўлга қўяди. Бахтиёрга янги бизнеси кунига 50-60 долларлан фойда келтириб туради.

Шу тариқа у 2018 йилнинг сентябрь ойидан 2019 йилнинг 26 январига қадар ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш йўли билан пул топиб келган.

Табиийки, Бахтиёр бу ишининг ноқонунийлигини ҳам билган. Шу сабабли ижтимоий тармоқ орқали таниши Ҳусан Н. билан суҳбат жараёнида унинг ДХХда ишлаётганини билиб, ноқонуний фаолиятининг натижаси қандай бўлиши ҳақида сўрайди.

Аслида пойтахтдаги МЧЖлардан бирида ишлаётган, ДХХга умуман алоқаси бўлмаган Ҳусан "ҳомийлик" эвазига чўтал талаб қилади ва 2400 долларни қўлга киритади. Ўғрини қароқчи урибди деганлари шу-да.

Ҳар икки жиноятчининг қилмиши фош бўлиб, қонун олдида жавоб беришди. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди Бахтиёр К.га 3 йилу 1 ой, Ҳусан Н.га эса 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Эльза ШАМСУДДИНОВА,
жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди судьяси

Ўзбекистонда «жомадон банкинги» амалиётига чек қўйилади.

КЕЛГУСИ СОНДА

Коррупция-сиз олий таълим: ечим қаерда ва кимда?

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[t] – tijorat materiali.

Buyurtma v-3947.
15 591 nusxada bosildi.
Oog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **F.YODGOROVA**
Sahifalovchi: **S.BOBOJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda **0188**-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

REKLAMA

8 ДЕКАБРЬ

БЕРУНИЙ ТУМАНИДАГИ «ШАББОЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» МЧЖ ЖАМОАСИ МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ БОШ ҚОМУСИ – КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ. МАМЛАКАТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАРИНГИЗДА БАРАКА ВА ЯНГИ-ЯНГИ ЗАФАРЛАР ЁР БЎЛСИН!





«Шаббоз деҳқон бозори» жамоасининг саъй-ҳаракатлари билан бугун бозоримиз янгича қиёфага кириб бормоқда. Бундан кўзланган мақсад эса аниқ — халқ фаровонлиги, мамлакат тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшиш. Статистик маълумотларга эътиборингизни қаратадиган бўлсак, 2019 йил 11 ойида ялпи даромад режаси 1 миллиард 350 миллион 722,4 минг сўм бўлиб, ҳақиқатда 1 миллиард 356 миллион 840,0 минг сўмга, яъни 100,5 фоиз бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда рақамларнинг 178 миллион 779,0 минг сўмга ўсганининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, ўтган давр мобайнида маҳаллий бюджетга 50 фоиз солиқ тўлови ҳисобидан 737 миллион 071,0 минг сўм ўтказилиб, режа 108,1 фоизга бажарилди.







Азиз юртдошлар, ҳаётингизда доимий барқарорлик, ривожланиш ва янги ютуқларнинг амалга ошишини, гўзал ҳаёт ва ёрқин ғоялар ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз!

France Football нашри томонидан анъанавий тарзда топшириб келинаётган «Олтин тўп» совриниЛионель Мессига насиб қилди. Месси мазкур совринни ҳисоб бўйича олтинчи марта қўлга киритди.